



Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонидаги арабизмларнинг бадий мавқеъи

Мўътабархон Мадаева,
Ўзбекистон халқаро ислоншунослик
академияси ўқитувчиси,
mutabar_aziz@mail.ru,

Аннотация: Ушбу мақолада “Сабъаи сайёр” достони, ундаги маъноли ташбеҳлар, истиоралар ва ҳикматли мисралар ва оддийгина тасвирлаш ғояси замирида гўзал адабий санъат воситаларини нафис маҳорат ила араб сўзлари билан шоирнинг ўз имконияти даражасида ифодалагани, шу билан бирга “Сабъаи сайёр” достонида араб сўзларининг лексик маъноси берилишининг бир неча турлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, “Хамса” достони, “Сабъаи сайёр”, арабизм, лексика, семантика, поэзия, ташбеҳ, истиора.

Аннотация: Данная статья посвящена «Сабъаи сайёр» Алишера Навои, в частности, содержательным аллюзиям, метафорам и назидательным строфам, имеющимся в нем. В контексте простого описания выразительные литературно-художественные средства используются по мере возможностей поэта посредством арабской лексики наилучшим образом. Наряду с этим в статье приводятся сведения о нескольких видах лексических значений арабизмов в «Сабъаи сайёр».

Ключевые слова: Алишер Навои, «Хамса», «Сабъаи сайёр», арабизм, лексика, семантика, поэзия, метафора.

Abstract: This article is devoted to "Sabai Sayyor" by Alisher Navoi, in particular, to meaningful allusions, metaphors and didactic stanzas contained in it. In the context of a simple description, expressive literary and artistic means are used to the best of the poet's ability through Arabic vocabulary. Along with this, the article provides information about several types of lexical meanings of Arabisms in "Sabai Sayyor".

Key words: Alisher Navoi, "Khamisa" epic, "Saba'i Sayyor", Arabicism, lexicon, semantics, poetry, metaphor.

Алишер Навоий асарлари ўзбек халқи тарихида ҳақиқий поэтик тилнинг намунаси сифатида танилди. XV асрда Ўрта Осиё худудида араб ва форс тиллари асосий адабий ва илмий тиллар ҳисобланган. Шу даврда ижод қилган олимлар, улар қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, асосан шу икки тилда асарлар ёзар эдилар. Гарчи Мирзо Улуғбек саройидаги машҳур шоир Саккокийнинг ўзбек тилида ёзган шеърлари тингловчиларга катта завқ бағишлаган бўлса-да, ўша даврда ўзбек тили ва унинг поэзияси ҳануз етарлича эътиборга сазовор эмас эди. Аста-секинлик билан, Алишер Навоийнинг етакчилиги ва шижоати туфайли, ўзбек адабиёти ривожланиш йўлига кирди. Унинг яратган асарлари ва бадий санъат намуналари туфайли ўзбек адабиёти янги поғонага кўтарилди. Навоий ана шу даврда ўзининг буюк “Хамса” достонини яратди. Низомий Ганжавий ва Хисрав Дехлавий анъаналари асосида мусобақа тариқасида ёзилган бу асар бешта дostonдан иборат бўлиб, қарийб эллик минг мисрани ўз ичига олади.



“Хамса” таркибидаги “Сабъаи сайёр” достони бошқа дostonлардан ўзига хос услуги билан ажралиб туради. Унда етти мусофирнинг етти ҳикояси орқали инсон ҳаёти, тақдир ва ҳикматли тажрибалар баён этилган. Навоийнинг “Хамса” таркибидаги тўртинчи ва энг ажойиб достони ҳам айнан шу — “Сабъаи сайёр” дир.

Навоий бу гўзал дostonни “Сабъаи сайёр” деб атаган бўлса ҳам, навоийхонлар ва “Хамса” ноширлари унга “Ҳафт манзари Баҳром” деб от қўйганлар, дoston шу сўнгги номи билан шуҳрат қозонган [1.72]. “Сабъаи сайёр” – 10016 мисрадан иборат ҳаётнинг ранг-баранг лавҳалари мужассам бўлган катта бир дoston. Бу дoston Навоийнинг санъаткорлик маҳоратини, унинг поёнсиз кенг фантазиясини, турмушнинг кўп дилрабо ва баднамо манзараларини жуда яхши билганини кўрсатадиган бадий ижод намунасидир. Бадий асарнинг қимматини тайин этишда унинг композицияси муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун “Сабъаи сайёр” ҳақида сўзлаганда энг аввал унинг гўзал ва мароқли композициясини айрим равишда кўрсатиб ўтиш керак. Бу дoston ўзининг равои услуби, рангдор тили ва кишини қойил қолдирадиган чуқур маъноли ташбеҳлари, истиоралари ва ҳикматли мисралари билангина эмас, балки фавқулудда маҳорат билан ишланган композицияси билан ҳам ўқувчини ҳайратда қолдиради [1.73]. Ушбу дoston Баҳром ва Дилором тарихини баён қилиш билан дарвешлар сўзлаб берган ҳикоятлар асосида Шарқда машҳур бўлган афсона, ривоятлар баён этилади. Бир ривоят воқеасида бошқа ривоят ҳикоя қилинади. Асарнинг охирида баён қилинаётган воқеа дастлабки воқеа билан боғланган ҳолда яқунланади. Баҳром Гўрнинг ҳарбий юришлари, ишқий саргузаштлари турли халқлар фольклори ва адабиётида Баҳром Гўр образи билан боғлиқ афсона, ҳикоя ва дostonлар жуда кенг тарқалган бўлиб, Баҳромнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар Эрон шоҳлари тарихига бағишланган “Сияру мулук ил-фурс”, “Тарихи табарий”, “Тарихи мулуки ажам” асарларида батафсил келтирилган [2.5].

Дostonнинг традицион муқаддимасида сўз таърифи, сочма-тизма масаласи, маснавий устодлари мадҳидан кейин шоир “Сабъаи сайёра”нинг яратилиши сабабини баён қилувчи алоҳида боб ажратади. Унда бу улуғ дostonни ёзишга қандай киришганини, бу тўғрида ўзининг план ва идеяларини айтиб ўтади. Гўё Навоий тушида етти ажойиб қаср ва унинг ичида етти гўзал кўрган, бу гўзаллардан афсоналар тинглаган. Унга дуч келган нуруний чол бу кўрган эшитганларининг маъносини тушунтириб, уларни дoston қилиб ёзишга ундаган. Навоий уйғониб бу тушнинг таъбирини суриштиради. Таъбирчи бу тушида кўрганларини дoston қилиб ёзишини тавсия қилади. Бундан сўнг шоир яна сўзни Низомий ва Хусрав Дехлавийларга буриб, уларни ўз “Хамса” ларининг тўртинчи дostonини ёзиш муносабати билан мактайди ва камчиликларини кўрсатади. Ўзининг бу дostonини ёзиш ниятини ва бунинг қийин бўлишига қарамай муваффақият қозонишига умид боғлаганини билдириб ўтади [8.152].

“Сабъаи сайёр” дostonи ўзида жуда кўп арабча сўзларни мужассам этган. Араб сўзларининг байтларда, мисраларда фойдаланилиши, ўзгача маъно бериши лексик-семантик жиҳатидан талқин қилиш уларнинг мазмун ва шакл беришини изчил ўрганиш филология соҳасида муҳим илмий аҳамият касб этади. Чунки Алишер Навоий ижодидаги арабизмларни лексик-семантик жиҳатдан ўрганиш XV аср охирларида ўзбек адабий тилнинг лексик таркиби, бошқа хос жиҳатларини ёритиб бериш имконини беради. Бунда поэзиянинг турли хил йўналишлари, бадий мавқеъи, бошқа турк, форс сўзлари билан бирга келгандаги мазмуни уларни ўзаро муносабати ва вазифалари муҳим ҳисобланади.

حیلى كردون صفت ليغ ايلاديلار خصمی غه يکجهت ليغ ايلاديلار [2.43]

Хайли гардун сифатлиғ айладилар,

Хасмиға якжихатлиғ айладилар. [3.75]



Ушбу " يجهت " сўзида " يك " форс тилида "бир" сўзини англатса, " جهت " арабча "جهة" сўзи "тароф" маъносини англатади, ушбу байтда "душманларига қарши бирлашдилар, жипслашдилар" деган маънони беради [4.381]. Юқорида айтилганидек, арабий сўз форс сўзи билан ўзаро бирикиб ўзига хос маънони англатяпти.

Бинобарин, ўзбек тили ривожланиши тарихида арабча ўзлашмалар ўрта асрлардаёқ сезиларли грамматик ассимиляцияга учради, кейинчалик унинг нисбатан тўлақонли бирлиги сифатида янги тил материали доирасида ривожланиш жараёни содир бўлди. Арабча сўзларнинг кириб келиши ўрта асрлар жамияти ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлди. Араб лексемалари ўзбек тилининг ёрдамчи феъл лексемалари ёрдамида мураккаб феъл шакллар ҳосил қилади. Арабизмлар семантикасини ўзгартириш масалалари ҳам компонент ва қиёсий таҳлил усулида ўрганилди. Арабизмлар семантикасидаги ўзгаришлар семантик кенгайиш, семантик торайиш, аслиятдан семантикани олиб ташлаш, аслият семантикасига қарама-қарши қўйиш орқали содир бўлади [9]. Бунга "Саъбаи сайёр" достонида келтирилган бир ўзакли сўзларни мисол қилиш мумкин. Қилди ҳар навъким эди мумкин, Сарв гулчеҳра шайнини сокин.

Мазмуни: Сарв гулчеҳранинг ховурини пасайтириб, ўз таклифига кўндириши учун қўлидан нима келса, ҳаммасини қилиб кўрди [4.426].

Бўлса ул чаҳда нечаким сокин,
Қочмоғи бўлмағай анга мумкин.


Мазмуни: унда гуноҳкор кишиларни ҳибс қиладиган бўлсалар, чоҳнинг ичидан ҳеч қачон ҳеч ерга қочиб қутилиши мумкин эмас эди [4.436].

Юқоридаги икки мисрани талқин қиладиган бўлсак, биринчи мисрада ساكن - пасайтириш, секинлаштириш маъносида келса, иккинчи мисрада ساكن сўзи "турувчи, шу ерда бор" деган маънони англатяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, бир ўзакли сўзни семантик кенг маънода қўллаш услуби намоён бўляпти.

У.Вайнрах биринчилардан бўлиб "тил алоқалари" атамасига илмий таъриф берди. Олимнинг таъкидлашича, икки ёки ундан кўп тиллар бир шахс томонидан навбатма-навбат ишлатилсагина улар истеъмолда бўлади [5.22]. Алишер Навоий ёшлигидан форс-тожик тилида адабиётлар ўқиб катта бўлган, унинг тилларга бўлган қизиқиши араб тилини ўрганишга етаклайди. Ислом динига бўлган эътибор, Куръони каримни ёд олиши, ўз асарларини диний эътиқод билан бойитгани, оят ва ҳадисларни кўп ўқиб араб илмини чуқур ўзлаштирганини англатади. Чунки Навоий ўз асарларида соф араб сўзларини ўз ўрнида қўллаб асарга безак берган ва араб сўзларининг ўзбек сўзлари билан бирга ишлатиб ўз ўрнида ўзбек тилини арабий ўзлашмалар билан бойитган. А.К.Боровков "Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси" деб номланган илмий тадқиқотида Навоийнинг ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва унинг ривожланишидаги хизматларини баён қилиб, XV асрдаги ўзбек адабий тили Навоий ишлатган арабий, туркий ва форсий сўзлар билан бирмунча бойитганини таъкидлаган [6.97]. Дарҳақиқат, "Саъбаи сайёр" достонида фойдаланилган арабча сўзлар билан ўзбекча сўзларни бир бирига боғлаб ўзига хос композиция яратган.

مستمع بولسا عرض ايتى انى ميني ديرلار جهان ايلي ماني
كوب بيليك برلا خاطریم معمور ليك تصوير ايللا بولوب مشهور [2.48]

Мустамий бўлса арз этай они,
Мени дерлар жаҳон эли Моний. [3.84]



Мазмуни: Мени эшитишни лозим кўрсалар, арзимни баён этайин, мени бутун халқ Моний деб атайдилар, хотирам кўп билимлар билан бойиган бўлса ҳам, рассомлик билан дунёга машҳур бўлдим".

“Сабъаи сайёр” да "جوهر" сўзи 9 марта, "كوهر" 35 марта учрайди. “Жавҳар” сўзи “гавҳар” сўзининг ифодасидир. Бу сўз 4 жойдагина "куҳар" шаклида келган.

Қолмайин тўрт **жавҳар**, олти араз,
Олтию тўртдин бир анга ғараз. [3.27]

Сўз йўлин уйла қать этиб чолок
Ким, ипакда югурса **гавҳари** пок. [3.38]

Илми дарёсиға ҳубоб сипеҳр,
Йўқки, ул баҳр нчинда **гавҳар**мехр, [3.41]

Жавҳари бу сифат бериб тартиб
Айласа, риштани анга таркиб. [3.35]

Жавҳари ҳис ангаки қойимдур,
Муни англarki, бас мулойимдур [3.35]

Баҳр сори булут бориб холи,
Тўлуб аммо **гуҳар** била холи. [3.28]

Аёғ остида чун **гуҳар** кўрди,
Тож авжиға они тегурди. [3.72]

Мехр — тожинг уза **гуҳар** янглиғ,
Чарх — боғингда нилуфар янглиғ». [3.276]

Хожаи баҳр каф била **гуҳари**,
Ул сифатким, фаришта бирла пари. [3.337]

Маълумки, араб адабий тилида “г” товуши йўқ. “Гавҳар” сўзи “жавҳар” бўлиб араб адабий тилидан “асл тош, дур” мазмунини беради. Шу ўринда шоир истиора тарзида “гавҳар” ни “фарзанд” сўзи маъносини ишлатган байти “Фарҳод ва Ширин” достонида учрайди. Шоир “Фарҳоду Ширин” достонида Чин ҳоконининг фарзандсизлик даврини тавсиф қилиб шундай дейди:

Не чеккай кўкка бошин тождоре,
Йўқ эрса бир дур андин ёдгоре,


Валаддур ул дури волид садафдур
Садаф яъни отаву дур халафдур [7.35].

“Сабъаи сайёр” достони қуйидаги байтида ҳам “дур” сўзи “фарзанд” маъносида ҳам берилган.

Бу сифат келди нисбат ичра тамом,
Тавр аро Яздажурд ила Баҳром.

Ул келиб тийра рў садаф монанд,
Тонг йўқ, ўлмоқ садафга дур фарзанд [3.72]

Мазмуни: *Язджирд билан Баҳром ҳам худди шу сифатдаги одамлар эди. Баҳромнинг отаси садаф каби наст эди-ю, боласи худди садаф ичидаги гавҳар каби порлоқ эди.*



Демак, Навоий ижодида "гавҳар", "жавҳар" қимматбаҳо тошларни англатса, истиора санъати воситасида "дур" қимматбаҳо тош маъноси билан бирга фарзанд маъносини ҳам англатган ва оҳангдош мисраларни вужудга келтирган[7]. Алишер Навоий ҳар бир ўзбек адабий, арабий сўзларни қофиялаш маҳорати билан байтларни дунёга келтирган.

قىلدى تظويل ايلا چو اول تكميل مين نى تكميلغه بيردى تظويل [2.42]

Қилди татвил ила чу ул такмил,

Мен не такмилга берай татвил [3.73].

Мазмуни: улар бу ишларни узоқ гапириб охирига етказган эканлар, не учун бу иш ҳақида қайта яна баён этишим керак.

Бу ерда “татвил” (чўзиш, узайтириш), “такмил” (тамомлаш, битказиш, охирига етказиш) сўзлари арабий сўзлар бўлиб ушбу байтда ўз ўрнига хос ва мос ишлатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тўхтасин Жалолов. “Хамса” талқинлари. - Тошкент: Фафур Ғулом, 1968.
2. عليشير نوايي. خمسة. سبعة سيار. طيار لاوچي پارسا شمسييف. تاشكينت - 1956، 208 صحيفه
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўнинчи том. - Тошкент: Фан, 1992.
4. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Насрий баёни билан. - Тошкент: Фафур Ғулом, 1991.
5. Вайнрайх У. Языковые контакты. Состояние и проблемы исследования. - Киев: «Высшая школа», 1979.
6. Боровков А.К. Алишер Наваи как основоположник узбекского литературного языка. Алишер Наваи. – М.-Л., 1946.
7. Алибек Рустамов. Сўз хусусида сўз. - Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
8. О.Шарафуддинов. Алишер Навоий. – Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1948.
9. Г.Казакбаева. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теоретических аспектах. Дисс. Канд.ф.н.-Москва: Институт востоковедения Российской Академии наук, 2012.